

ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ

ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ

ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,
ФАЛСАФИЙ - ХУКУҚИЙ ЖУРНАЛ

2

2021

FALSAFA va HUQUQ
ФИЛОСОФИЯ ۽ ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW

ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал
2021/2 (№20)

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз.

Барчамиз биртану биржон бўлиб, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз.

Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона энгиб ўтишга тайёрмиз. Бундай эзгуишларда бизга Яратганнинг ўзи, буюк аجدодларимизнинг пок руҳлари мададкор бўлади, деб ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Таҳрир хайъати:

Б.Т.Тўйчиев –
ф.ф.д., профессор

Ж.С.Рамагов –
ф.ф.д., профессор

Г.Т.Махмудова –
ф.ф.д., профессор

Й.О.Жўраев –
ю.ф.д., профессор

М.Н.Абдуллаева –
ф.ф.д., профессор

Қ.Н.Назаров –
ф.ф.д., профессор

Р.Ж.Рўзиев –
ю.ф.д., профессор

А.Ў.Ўтамуродов –
ф.ф.н., профессор

Бош муҳаррир:
А.Г.Муминов –
с.ф.д., профессор

Му а с с и с: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети

Таҳририятманзили: 100095 Тошкентшаҳар,
Университет кўч., 4.

www.falsafavahuquq-jurnal.nuu.uz

E-mail: falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz

Босишга 22.05.2021 да рухсат берилди

Бичим 60x84 1/8 Ofset қоғози. ЎЗМУ босмахонасида
ризографда босилди. “Times” гарнитураси. Хажми 25 б.т.

Нашриёт ҳисоб табағи 25. Адади 60 нусха.

Буюртма №229

Журнални нашрга тайёрловчилар

Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ – ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Ҳакимова М.А. –
ТИҚХММИ катта ўқитувчиси

Жамиятни ислоҳ қилишнинг ҳозирги шароитида ҳар бир инсондан ҳаётда ўз дунёқарашини тўғри шакллантириши, ҳаётий билимларини мустақил тўлдира билиши, воқеликни холислик билан баҳолаши ва англаши, бениҳоя кўп ва ўзгарувчан ахборот тизимида аниқ мўлжал ола билиши талаб этилади. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг жадал ривожланиб бораётган сиёсий жараёнларида фуқароларни ижтимоий фаоллигини ошириш борасида бошқа давлатларда учрамайдиган ўзига хос жиҳат вужудга келдики, бу ҳолатни сиёсий жиҳатдан тадқиқ этиш, бошқа давлатларга ҳам Ўзбекистон тажрибасини кўрсата билиш масъулиятини келтириб чиқаради. Бу ўринда жамоат ташкилотларининг фаолияти ўзига хосдир.

Фуқароларнинг турли туман ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги, уларнинг ихтиёрий равишда жамият бошқарувида иштирок этиши жараёнлари асосан жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Давлат билан жамиятнинг бир-бирларидан бегоналашмаслиги ҳам жамоат ташкилотлари фаолиятининг ривожланиши билан боглиқдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасидаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар»[1] каби фуқароларнинг жамият институтларида иштирок этишини таъминлаб берадиган ҳуқуқий асосларнинг эътироф этилиши республикада жамият тараққиёти инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнидаги тажрибалари ва синовларидан муваффақиятли ўтган эркинлик жамияти - фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини англатади. Жамият ривожланишининг асоси сифатида «учинчи сектор» аъзолари фаоллиги талаб этилади.

Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш мақсад ва вазифалари, бу соҳадаги муаммолар устида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдирди: “Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислоҳотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли бекиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд, 29 та халқаро ва хорижий ноҳуқумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. 2017 йилда “Нуроний” жамгармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамадан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироқи етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йигилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари бугун айtilган танқидий гаплардан хулоса чиқариб, ўз фаолиятида бурилиш ясади, деб ишонамиз”[3].

Мамлакатдаги жамоат ташкилотларининг аксарият қисми ҳали ўзлари таянадиган ижтимоий қатламларни аниқлаштириб олмаганликлари ёки ўзларини бирон-бир ижтимоий қатлам манфаатларини ифодаловчи ташкилот даражасига етказа олмаганликлари учун ҳам улар фаолиятига фуқароларни жалб этиш билан боглиқ айрим муаммолар ўз ечимини топганича йўқ. Ҳали ҳам айрим жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари ва фаолларининг эски бюрократик номенклатура тизимида орттирган руҳияти ва иш услубларидаги тажрибалари, худди давлат органларига хос раҳбарлик каби фаолияти ҳамон сақланиб

колаётган вазиятлар ҳам юз бериб турибди. Уларнинг баъзилари ҳали ҳам давлат ҳокимияти бошқаруви органлари вакиллари ўзларининг бевосита раҳбарлари – назоратчилари деб билмоқдалар. Жамиятда биринчи секторнинг улушини пасайиб бораётганлигини англаш вақти келди. Бу ўринда иккинчи сектор билан алоқани мустаҳкамлаш орқали турли мулк шакллари вужудга келиши, инсонларда манфаатдорлик хиссини тўғри йўналтириш кун тартибдаги асосий вазифадир. Шундагина ҳар бир фуқарода фуқаролик позициясини англаш хисси намоён бўлади. Бу эса ўз ўрнида жамоат ташкилотларини жамиятдаги ўрнини ортиб боришини билдиради.

“Ўзбекистонда демократик ислохотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди.

Бу – бугунги ҳаёт, бугунги замон талаби.

Бу – кўпмиллатли, бағрикенг, меҳнатқаш ва олижаноб халқимизнинг хоҳиш-истаги.

Ва биз халқимизнинг туб манфаатлари, унинг эзгу орзу-интилишларини ифода этадиганана шундай сиёсатни жадал давом эттирамиз. Нафақатдавомэттирамиз, балки унияниги, янадаюксакбоскичгақўтарамиз”[4] – деб айтилган фикрлар бежиз эмас.

Давлат органларининг муҳим функцияларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш эканлигини эътиборга олсак, бу соҳада давлат органлари билан нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги намоён бўлади. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга биноан жамоат ташкилотлари – “Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишларини амалга ошириш; табиатни, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикаларо ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадидан иборат...”[2] дир.

Жойларда олиб борилаётган ишлар ўрганилар экан жамоат ташкилотлари иштирокидаги тадбирларни айтиб ўтиш ўринлидир. Нобель мукофоти лауреатлари олиб бораётган тадқиқот натижаларини Ўзбекистонда қўллаш орқали Тошкент вилоятининг Бўка ва Чиноз туманларида эксперимент ўтказилди. Жаҳоннинг илгор мамлакатлари тажрибаси, А.Банержи, Э.Дюфло ва М.Кремер (2019 йил Нобель мукофоти лауреатлари) камбағалликни қисқартириш бўйича тадқиқот натижалари асосида республиканинг вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, улар томонидан Тошкент вилоятининг Бўка ва Чиноз туманларида камбағал ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш мақсадида жойларга чиқиб эксперимент кузатувлари ўтказилди. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ахборот хизмати хабар беришича[5], ишчи гуруҳи аъзолари 8 кун давомида Бўка туманидаги барча маҳаллаларда 10-12 тадан жами 504 та, Чиноз туманидаги барча маҳаллаларда 10-12 тадан жами 648 та, умумий ҳисобда 1152 та уй хўжаликларида кузатувларни амалга оширди. Кузатувлар давомида уй хўжаликлари таркиби, яшаш шароитлари, истеъмол харажатлари, реал даромадлари, узоқ муддат фойдаланадиган воситалари, уй хўжалиги аъзоларининг моддий неъматлар ва ижтимоий хизматлардан фойдалана олиш имкониятлари, жумладан, бепул тиббий хизматдан фойдаланиши, фарзандларининг таълим олиши сифати, моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббуслари ўрганилди.

Шунингдек, эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг ёшига нисбатан бўйи, вазни ўлчанди ҳамда дарсларни ўзлаштириши ўрганилди. Психологлар томонидан эҳтиёжманд оила аъзолари билан индивидуал суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг психологик портретини

шакллантириш ва камбағалликдан чиқариш бўйича руҳий рағбатлантириш ишлари амалга оширилди.

Кузатувлар якуни бўйича олинган маълумотлар асосида Ўзбекистонда камбағаллик чегарасини аниқлаш, “яшаш минимуми” ва “истеъмол саватчиси” бўйича ҳисоб-китоб ишларини якунига етказиш, аҳолининг базавий истеъмол харажатлари ва камбағаллик чегараси мезонини ҳисоблашни амалиётга жорий этиш ҳамда республикада камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган стратегик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш режалаштирилган. Ушбу олиб борилаётган кузатувларни ташкил этишда бевосита жамоат ташкилотларини иштирокини таъкидлаш ўринлидир.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди ахборот хизмати хабар беришича [6] жорий йилнинг сентябрь ойида тижорат банклари томонидан юридик шахслардан жалб қилинган чет эл валютасидаги муддатли депозитлар миқдори 105,7 млрд. сўм эквивалентига тенг бўлиб, ушбу депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 2,8 фоизни ташкил қилди. Сентябрь ойида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан 51,5 млрд. сўм эквивалентига тенг миқдорда чет эл валютасидаги маблағлар узоқ муддатли (13 ой) депозитга йиллик 2 фоиз ставкасида жойлаштирилди. Ушбу маблағлар умумдават аҳамиятига доир вазифаларни бажаришда ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда кўмаклашиш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашда ёрдам кўрсатиш каби муҳим йўналишларга сарфланиши мақсад қилинган бўлиб, ҳомийлик ва бошқа тушумлар ҳисобидан йиғилган. Келгусида ушбу маблағлар сарфланиши бўйича даврий ахборот бериб борилиши режалаштирилган. Бу олиб борилаётган ишлар ўз навбатида давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ташкил этишда жамоат ташкилотларини фаолиятлари ўз ўрнига эгаллигини кўрсатади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Дилором Қўзиёваннинг маълумот беришича – “2020 йилнинг 9 ойи давомида 19 970 та оилаларда ажрим қайд этилган. Бу рақамлар ўтган йилгига қараганда 3-4 минга камайганини кўрсатмоқда. Вазирлик ташкил этилганидан буён ажримлар туманлар бўйича эмас балки маҳаллар бўйича олиб борилмоқда”. Бу эса жамоат бирлашмаси сифатида маҳалларни ўрнини жамиятда ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Бугунги кунга келиб, республика бўйича умумий 140 та тўлиқ хусусий нодавлат умумтаълим муассасалари фаолият юритмоқда. Шунингдек, 18 та нодавлат умумтаълим муассасаси ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар имзоланган. Биргина, Тошкент шаҳри мисолида оладиган булсак, унда 52 та нодавлат умумтаълим муассасаси мавжуд. Нодавлат умумтаълим муассасалар сони, охириги йилларда нодавлат таълим секторига бўлаётган эътибор ва давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳисобига 6 бараварга ошган [6].

Келтириб ўтилган маълумотлар шуни кўрсатадики учинчи секторни жамиятда ўрни ортиб бормоқда. Жамоат ташкилотларига бўлган ишончни ортиши эса Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини юксалиб бораётганлигининг ифодасидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2016.-Б.13-14.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида. Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатнома. 22 декабрь 2017 й. -Т.: Ўзбекистон, 2017.-Б.34-35.
4. Расмий хабарлар <https://telegra.ph/Nobel-mukofoti-laureatlari-tad>
5. Расмий хабарлар. <https://obfm.uz/uz/news/2020/10/28/ijtimoiy-tarmoqlarda-tarqalgan-maqolaga-munosabat>

РЕЗЮМЕ:

Мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларни заминда жамоат ташкилотларини ўрни алоҳида эканлиги, бу эса учинчи секторни ўрни ошиб бораётганлиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: жамият, жамоат ташкилотлари, учинчи сектор, фуқаролик жамияти, ижтимоий қатлам, демократик ислоҳотлар, экспериментал кузатув, камбағалликни қисқартириш, маҳалла, нодавлат секторлар.

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматривается роль общественных организаций в работе, проводимой в Узбекистане, рассказывается о возрастании роли третьего сектора в жизни общества.

Ключевые слова: общество, общественные организации, третий сектор, гражданское общество, социальный слой, демократические реформы, экспериментальное наблюдение, сокращение бедности, негосударственные секторы.

REZUME:

On the basis of the work carried out in Uzbekistan, the role of public organizations is in full swing, which indicates that the role of the third sector is increasing. As the reforms carried out serve to increase the activity of citizens, the laws adopted in their place mean that they are in harmony with society, that is, the foundations of civil society are rising.

Keywords: society, public organizations, third sector, civil society, social stratum, democratic reform, experimental observation, poverty reduction, neighborhood, non-public sectors.

28.	Ҳожиев Р.Б.	<i>Баркамол авлодни тарбиялаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг устувор йўналиши</i>	<i>115</i>
29.	Норматов О.М.	<i>Районлаштириш давридаги иқтисодий муносабатлар тарихига доир айрим мулоҳазалар</i>	<i>120</i>
30.	Нуриддинов С.Б.	<i>Хитойнинг «Бир макон - бир йўл» ташаббуси учун мотивация.</i>	<i>124</i>
31.	Саидов С.А.	<i>Ибн Муқоффанинг “Ал-адаб ал-Кабир” асарида комил инсон гоёси</i>	<i>128</i>
32.	Нишонов С.Ж.	<i>Хусайн Воиз Кошифий мукаммал жамият барпо этиши ва комил инсонни шакллантириши тўғрисида</i>	<i>131</i>
33.	Рахмонов Б.М.	<i>Глобаллашув жараёнида марказий осий минтақаси этносиёсати</i>	<i>135</i>
34.	Исмайилов А.З. Холмўминов Ғ. Б.	<i>Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиши гоёлари тарихи</i>	<i>140</i>
35.	Қаршиев Н.	<i>Кўппартиявийлик тизими ва унинг фуқаролик жамияти шаклланишидаги аҳамияти</i>	<i>145</i>
36.	Мирзахмедов Х.А.	<i>Ёшларда “Одат” ланиши ахлоқи</i>	<i>148</i>
37.	Ibrohimov Ғ.А.	<i>Yevropa faylasuvlari ijodida begonalashuv masalasi</i>	<i>152</i>
38.	Ҳақимова М.А.	<i>Жамоат ташкилотлари – халқ манфаатлари йўлида</i>	<i>156</i>
39.	Холмуродов Ғ.	<i>Инновацион жамиятда ижтимоий шерикчилик омилнинг таҳлили.</i>	<i>160</i>
40.	Муқимов Б.А.	<i>Маънавий ислохотлар мамлакат тараққиёти ва таълим ривожини таъминлашнинг муҳим омилдир</i>	<i>164</i>
41.	Ярбаев Х.Х.	<i>Ахборотлашган жамиятда баркамол авлод таълим-тарбияси</i>	<i>168</i>
42.	Утегенова Ж.Д.	<i>Виртуал воқеликнинг иерархик даражлари</i>	<i>172</i>
43.	Мамадиева Н.Х.	<i>Миллий санъатимизда ахлоқий ва эстетик гоёлар уйғунлиги</i>	<i>176</i>
44.	Топилдиева М.Р.	<i>Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий тикланишдан миллий юксалиши сари.</i>	<i>179</i>
45.	Отабаев А.	<i>Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан модернизациялаш даврида институционал янгиланишлар.</i>	<i>182</i>
46.	Ахмедов А.	<i>Рақамли иқтисодиётнинг маънавий омилларини мустаҳкамлаш имкониятлари</i>	<i>186</i>
	Устозлар хотираси абадий қалбимизда		<i>189</i>